

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИ ВА АСОС СОЛИНИШ ТАРИХИ

**Шахноза Боймухамматовна ХОЛИҚУЛОВА**

Тарих фанлари бўйича (PhD)

фалсафа фанлари доктори

Навоий давлат педагогика институти

Навоий, Ўзбекистон

### **Аннотация**

Ушбу мақолада муаллиф эркин иқтисодий зоналарнинг жаҳон миқёсидаги аҳамиятини ёритиб, Ўзбекистонда бундай иқтисодий зоналар яратишнинг қонуний асосларини келтирган. Шунингдек, Навоий эркин иқтисодий зонаси ва логистика маркази имкониятлари ёритилган. Саноатни ривожлантиришда ушбу зонанинг аҳамияти шарҳланган. Ишлаб чиқариш кўлами таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** эркин иқтисодий зоналар, Навоий эркин иқтисодий зонаси, транспорт логистикаси, мультимодал ХАБ, “Кореан-Эйр”, инновацион ишлаб чиқариш, инвестиция, маҳаллий хом ашё.

## НАВОИЙСКАЯ ОБЛАСТНАЯ СВОБОДНАЯ ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ЗОНА И ИСТОРИЯ СОЗДАНИЯ

**Шахноза Боймухамматовна ХОЛИКУЛОВА**

Доктор философии (PhD) по историческим наукам

Навоийский государственный педагогический институт

Ташкент, Узбекистан

### **Аннотация**

В настоящей статье автор отмечает важное значение свободных экономических зон во всем мире и приводит правовую основу создания таких экономических зон в Узбекистане. Также выделяются возможности свободной экономической зоны “Навои” и Центра логистики. Раскрывается роль этой зоны в развитии промышленности. Анализируется масштаб производства.

**Ключевые слова:** свободные экономические зоны, свободная экономическая зона “Навои”, транспортная логистика, мультимодальный ХАБ, инновационное производства, “Кореан-Эйр”, инвестиции, местное сырье.

Жаҳонда юз бераётган глобаллашув жараёни сабабли, мамлакатлар минтақаларини ўзаро ижтимоий-иқтисодий ривожланишини аҳамияти ортиб бормоқда. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эркин (махсус) иқтисодий зона (ЭИЗ)лар халқаро иқтисодий муносабатларнинг ажралмас қисмига айланди. Жаҳон амалиётида 1973 йил 18 майда Киотада қабул қилинган Божхона тартибларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш Халқаро

конвенцияси эркин зона (“фанко зоналари”) тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: “Эркин зона миллий божхона ҳудудидан ташқари бўлган товарларга объект сифатида қарайдиган, шу боис, у мамлакатни божхона назорати ва солиққа тортилмайдиган маълум қисми ҳисобланади” [2].

Мамлакатимиз мустақиллик йилларида самарали минтақавий сиёсати натижасида иқтисодийда чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, 1996 йилда “Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ва жаҳон малакатлари тажрибаси мисолида ҳар томонлама ўрганилди. 2008 йилнинг 2 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президенти “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги фармони эълон қилди [3]. Ушбу фармонга асосан вилоятда кенг кўламда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширишга киришилди. Ушбу эркин иқтисодий зона Ўзбекистон тажрибасида илк мартаба амалга оширилди. Шундан сўнг Навоий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги “Ангрен” эркин иқтисодий зонасини барпо этиш тўғрисида”ги ва 2013 йил 18 мартдаги “Жиззах” эркин иқтисодий зонасини барпо этиш тўғрисида”ги фармонлари асосида минтақаларда янги иқтисодий зоналар ташкил этилди. 2017 йилда мамлакатда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш бўйича самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 3 майдаги “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 5 декабрдаги “Чорвоқ” эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармонлари асосида мамлакатда бир қатор янги турли ихтисослашган иқтисодий зоналар барпо этилди. Шундай қилиб, 2017 йил 7 октябр ҳолатига кўра, Республикаимизнинг 10 та ҳудудида 14 та эркин иқтисодий зона фаолият юритмоқда [4]. «Навоий», «Ангрен», «Жиззах», «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин

иқтисодий зоналарида умумий қиймати 486 миллион долларга тенг 62 лойиҳа амалга оширилган, 4 минг 600 дан ортиқ иш ўрни яратилди.

Маълумки, Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрдаги “Навоий вилоятида эркин индустриал – иқтисодий зона ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармониغا асосан, Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилди. Мазкур фармонда эркин индустриал-иқтисодий зона (ЭИИЗ)да хўжалик юритувчиларга татбиқ қилинадиган алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон ҳудудида норезидент фуқароларнинг кириши ҳудудда бўлиши ва чиқиб кетишининг, шунингдек, улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиши назарда тутилган. Эркин индустриал иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилни ташкил этади. Бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин. Бундан ташқари ЭИИЗда рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар уларга киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмига қараб қатор солиқ имтиёзларига эга.

2009 йил 5 сентябрда бир гуруҳ хитойлик ишбилармонлар Навоий вилояти ҳокимияти, ОАВ вакиллари ва тегишли мутасаддилар билан учрашиб, бу ердаги шароитлар билан танишдилар. Шу йилнинг феврал ойида бошлаб бу ерда автомобиль ва темир йўллари ўтказилди. Банк, маъмурий ва божхона биноларининг қурилиши қурилди. Уй-жой қуриш учун 120 та ер участкаси ажратилди. Инвесторларга қулайлик яратиш мақсадида, маҳаллий хом ашёдан тайёрланган ҳар томонлама сифатли ва талабга жавоб берадиган қурилиш материаллари билан таъминланди. Ишбилармонлар учун ажратилган 564 гектар майдонда табиий газ, ичимлик суви, электр энергия таъминоти йўлга қўйилди. Иккинчи босқич учун 680 гектар майдон ажратилди. Хитой савдо Палатасининг экспорт-импорт бўйича вице президенти жаноб Лю Мэйкунь ҳам ЭИИЗ аҳамияти тўғрисида гапирди. Айниқса, Афғонистон, Туркия орқали Европага чиқадиган темир йўл, Афғонистон, Эрон орқали ўтадиган автомобил йўлининг қурилиши тарихий воқеа бўлишини таъкидлади [5].

Мамлакатимизда транспорт терминалларига бўлган муносабатлардаги энг муҳим белги автомобиль транспорти билан ташиладиган кичик ҳажмдаги жўнатувлар салмоғи ортиши билан боғлиқ бўлди. Агар бу кўрсаткич 1981 йилда 1.5 фоизни ташкил этган бўлса, 1988 йилда 10.1 фоизни, 1992 йилда 15 фоизни, 2015 йилда эса 30 фоиздан ортиди. Шу билан бир пайтда контейнерларда юк ташиш ҳажми уч баробардан зиёд ўсди. Бундай шароитда юкларни қайта ишловчи терминалларга бўлган талаб ҳам кескин ошди. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда шаҳарлараро йўналишларда майда партияли юклар ва контейнерларни ташиш учун мавжуд базаларда мазкур талаблар 45 фоиз атрофида бажарилмоқда [6]. Бу каби муаммоларни ҳал этиш учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги “2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан Дастур қабул қилинган.

Ушбу Дастурнинг амалга оширилиши натижасида турли мақсадларга хизмат қилувчи 20 дан ортиқ терминал объектлари, жумладан “Навоий шаҳар аэропорти базасида халқаро интермодал логистика марказини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори асос бўлди. Навоий вилоятида халқаро E-40 автомагистралининг мавжудлиги, ҳамда халқаро ҳаво қаридорининг жойлашгани туфайли ҳудуд шу ерда барпо этилди. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қўллаб қувватлаши ва дунёда ҳаво юк ташуви бўйича биринчи ўринда турувчи “Korean Air” компанияси билан яқин ҳамкорлик қилиш натижасида, “Навоий” халқаро аэропорти қисқа вақт давомида жаҳон бўйлаб юк ташуви тармоғини ярата олди. Навоий халқаро аэропорти “Korean Air” билан ҳамкорликда 2008 йил августда B747-400Ф ҳаво кемасида биринчи юк қатновини қабул қилди [7]. 2009 йилнинг бошида юк самолётларининг қатнови икки марта йўлга қўйилган бўлса, 2010 йилда рейслар қатнови ҳафтасига 22 тага етди ёки юк ташиш ҳажми 10 маротабага оширилди [8]. Ҳозирги кунга келиб Европа билан Осиёни боғлайдиган ҳафтасига 40 юк қатнови амалга оширилади. Ҳозирги

кунда «Навоий» халқаро аэропорти Европа билан Осиёни боғлаб турувчи асосий тармоқлар ва логистик марказлар – Инчон, Франкфурт, Милан, Брюссель, Дубай, Истанбул, Дехли ва Мумбай билан ишлайди. «Навоий» халқаро аэропортини мультимодал логистика марказига айлантириш ва тармоқни янада кенгайтириш мақсадида ўзининг маркетинг фаолиятини кучайтирди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси денгизга чиқиш имконияти йўқ бўлган давлатлар сирасига киради. Лекин, бу муаммони Жанубий корейлик ҳамкорлар билан Навоий аэропортида логистика ХАБ лойиҳасини амалга ошириш орқали енгиб ўтиш мумкинлиги келишиб олинди. Ушбу минтақалараро ХАБнинг фаолияти натижасида автомобиль ва темир йўл транспортига бўлган талаб кучайди. Милан ёки Сеулдан 5 соат давомида етиб келган юк Ўзбекистон ёки Марказий Осиёдаги охириги манзилига энг қисқа фурсатларда етказилиши зарур. Акс ҳолда ХАБнинг ташкил этилиши ўз моҳиятини оқламайди [9].

"Навоий" аэропорти базасида халқаро логистика марказини яратиш ҳақидаги битим 2008 йилда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ҳамда Кореянинг "Korean Air" компанияси томонидан тузилган. Томонлар 2014 йилда битим шартларини яна 5 йилга узайтиришган [1].

2009 йилда Навоий ЭИИЗга 900 миллион АҚШ доллари миқдорида 40 га яқин лойиҳа асосида хорижий инвестиция киритилиши режалаштирилди. 2009 йилнинг 5 март куни Кореянинг Сеул шаҳрида йирик ишлаб чиқариш корхоналари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар иштирокида ўтказилган Презинтацияда 600 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги 30 га яқин истиқболли лойиҳа шартномалари имзоланган эди. Агар рақамлар таҳлилига эътибор берадиган бўлсак, 2009 йилнинг ўтган даври мобайнида хорижий инвесторларнинг юртимизга қизиқиши ортаётганини кўриш мумкин. Вилоят ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо бошқармаси бош мутахассиси Б.Неъматовнинг таъкидлашича, 2009 йилнинг январь-сентябрь ҳолатида

худудий дастур доирасида 7 миллион 187.3 минг АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилиши ютуқларнинг бошланишидир [10].

Навоий ЭИЗ худуди ташкил этилгач, қарийб икки йил (изоҳ муаллифдан 2009-2011йй) ичида 13 та лойиҳа асосида Германия, АҚШ ва бошқа хорижий давлатлар ишбилармонлари билан ҳамкорликда бешта янги корхона ўз фаолиятини бошлади [11]. Бугунги кунда қатор ишлаб чиқариш корхоналари фаолият олиб бормоқда.

“Polipropilen quvurlar” ШК 2010 йилда фаолиятини бошлаган. Лойиҳа ташаббускори “Шўртангаз” газ-кимё комплекси ҳисобланади. Лойиҳа қиймати 7,4 млн. АҚШ долл.ни ташкил этади. Бугунги кунда 86 нафар иш ўрни яратилган. “Polietilen quvurlar” ШК 2010 йилда фаолиятини бошлаган. “KoUngCylinder” Ўзбекистон-Корея ҚК 2013 йилда фаолиятини бошлаган. Лойиҳа ташаббускорлари “Kor Uz Cylinder Investment Co. Ltd” компанияси (Корея Республикаси), “Автогазтаъминот” ШК ва “Ўзбеккимёмашзаводи” ОАЖ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси корхоналари: “Telecom Innovations” Ўзбекистон-Сингапур-Хитой ҚК 2010 йили, “Olive Telecom” Ўзбекистон-Ҳиндистон ҚК 2013 йили, “UzEraeCable” Ўзбекистон-Корея ҚК 2010 йилда фаолиятини бошлаган. Бундан ташқари, локализация дастурига кирган эмальланган сим ишлаб чиқариш ташкил этилган бўлиб, қўшимча 1,7 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган. “Avtosanoat–Landi Renzo” Ўзбекистон-Италия ҚК 2013 йили, “Agrofresh” Ўзбекистон-БАА ҚК 2010 йилда фаолиятини бошлаган. Лойиҳа ташаббускорлари “Kefayet General Trading Co. LLC”, “Uzagro Ltd” компаниялари (иккаласи ҳам БАА) ва “Марказсаноатэкспорт” ДАТСК ҳисобланади, “Navoi Hunan Pulp” Ўзбекистон-Хитой ҚК 2011 йилда фаолиятини бошлаган, “Навоийазот” ОАЖ ҳисобланади. Лойиҳа қиймати 4,2 млн. долл.ни ташкил этади. “Navoi Beauty Cosmetics” Ўзбекистон-Корея ҚК 2010 йилда фаолиятини бошлаган. Лойиҳа ташаббускорлари “DK Cosmetics” компанияси (Корея Республикаси) ва “Навоийазот” ОАЖ ҳисобланади. Лойиҳа қиймати 2,1 млн. АҚШ долл.ни

ташқил этади. Шу ва бошқа қатор корхоналар маҳаллий хомашёни қайта ишлаб саноат ишлаб чиқариш орқали Навоий вилояти республикамиз аҳолисига хизмат кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, 2015-2016 йилларда “Навоий” ЭИИЗда 5 та лойиҳа: “Ўзбекэнерго” ДАК томонидан электр энергияси электрон ҳисоблагичларини ишлаб чиқариш (хорижий ҳамкор аниқланмоқда) ва қуёш панелларини ишлаб чиқариш (Хитойлик ҳамкорлар билан музокаралар олиб борилмоқда), Буюк Британиянинг “Dartlex Imprex LLP” компаниясининг 2та лойиҳаси – алюмин профиллари ва ПВХ профиллари ишлаб чиқариш, “Ўзфармсаноат” ДАК томонидан тайёр дори воситалари ишлаб чиқариш (хорижий ҳамкор: “Bravo Pharma” (Ҳиндистон) лойиҳаларини амалга оширилди [9].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, эркин иқтисодий зоналар хорижий сармоядорлар учун қулай инвестицион муҳит яратади. Маҳаллий хом ашёни тайёр маҳсулот ҳолатига келтириб, мамлакатнинг саноат ишлаб чиқариш қувватини оширади. Экспортбоп товарлар кўламини кенгайтиради. Шунингдек, Навоий эркин иқтисодий зонаси ҳудудида ташқил этилган мультимодал ХАБ логистика маркази ишлаб чиқарувчилар имкониятини янада оширмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташқил этиш тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2008 йил 4 декабр.
2. Бахронов И. Хитойлик ишбилармонлар Навоийда //Дўстлик байроғи, 2009 йил 10 сентябрь. – №50. – Б. 1.
3. Вохидова М. Иқтисодий ривожланишни таминловчи лойиҳалар// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2016. – №5. – Б.32
4. Зиядуллаев К. Қосимова Д. Транспорт логистика хизматлари бозорида терминаллар комплексинимодернизациялаш //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2016. – №5. – Б.40.

5. Зарипов.А. Хорижий инвесторлар нигоҳи (вилоятимизда янги иш ўринлари яратилмоқда). //Дўстлик байроғи, 2009 йил 12 октябрь. – №57. – Б.5.
6. “Навоий” ЭИИЗ: тараққиёт сари йўл. Дўстлик байроғи. 04.02.2010 йил.
7. "Навоий" логистика маркази икки қарра қўп рейсларга хизмат кўрсатади. <https://m.kun.uz/news/2016/10/12>
8. Сатторов.А. Салоҳият юксалмоқда // Дўстлик байроғи, 16.12.2011йил 16 декабр. – №99. – Б.1.
9. Транспорт логистика маркази – “ўсиш нуқталари”нинг муваффақияти гарови. <http://biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/>
10. <http://1news.uz/uz/>
11. <http://www.navoi-airport.com/>